

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI REFERENDUMI 2023

Куни кеча «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва «Барқарор ривожланиш маркази» томонидан Брайль алифбосида чоп этилди.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ ҲИМОЯСИДА

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларига мувофиқ, 2020 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан илк мартаба Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун Брайль алифбосида нашр этилган.

Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқла-

рининг кафолатларини мустақамлаш, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча қатламлари тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишларини таъминлашнинг самарали механизmlарини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича давлат томонидан тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «давлатнинг эркаклар ва аёллар, оилалар ва болалар, ёшлар ва нуруний-

лар, ногиронлиги бор шахслар, мамлакатда ёки унинг ташқирисиди бўлишидан қатъи назар, барча инсонлар ҳақида қайғуриши Конституцияда мустақамлаши зарур».

Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларнинг бош мақсади – инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб тан олган Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи хоҳиш-иродасини рўйбга чиқаришдир. Мазкур эзгу мақсадни амалга ошириш борасида янгиланаётган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси матни тайёрланди.

>>> 3

КУН
нафаси

◆ Президент Шавкат Мирзиёев раислигида «Янги Ўзбекистон» массивларида уй-жой қурилиши ва 2023 йил учун ипотека дастурини амалга ошириш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



◆ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева Жиззах вилоятида бўлиб, ҳудудларда аҳоли, хусусан хотин-қизлар ва ёшлар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.



◆ Тошкентда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Таълим бўйича глобал ҳамкорлик (GPE), ЮНИСЕФ ҳамда миллий ва халқаро ҳамкорлар томонидан 2023-2026 йилларда таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича «Йўл харитаси» тақдим этилди.



◆ Шуҳрат Даулетияров Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.



◆ Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш, чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича «Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Конституция: ШХТ мамлакатлари таърибаси» мавзусида халқаро конференция ташкил этилди.



◆ Самарқанд давлат университетида Санкт-Петербург политехника университети ректори Андрей Рудской бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.



◆ Рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов Озарбайжон Республикаси Аудиовизуал воситалар Кенгаши раиси Исмет Саттаров бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашув ўтказди.



◆ Буюк Британиянинг Оксфорд университети профессори Александер Моррисон Андижон давлат университетида бўлди. Оксфорд университети профессори Андижон давлат университети ректори, профессор Акрамжон Юлдашев билан учрашди. Икки университет ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, илмий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклифлар билдирди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



2023-йил
6-апрел
payshanba
№ 42 (4794)

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo' lida birlashaylik!

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федератсияси нашри • Газета 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган

ЖИЯНБОВЕВГА ИШ ҲАҚИ
НОТЎҒРИ ҲИСОБЛАНГАН
НОТЎҒРИ ҲИСОБЛАНГАН

МУСО ЖИЯНБОВЕВ 2014 ЙИЛ НОЯБРЬ ОЙИДАН БУЁН ШОВОТ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ МУХАНДИСИ ЛАВОЗИМИДА ИШЛАБ КЕЛАЁТГАН ЭДИ.

Бирлашмада ўрганиш ўтказилганида унга ЯТСга кўра 2014 йилдан буён тўртинчи, 2022 йил август ойидан еттинчи разряд бўйича лавозим маоши тўлаб келингани аниқланди. Ваҳоланки, Вазирлар Мақамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Меҳнат бозориди меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобига сақланадиган ташкилотларда банд бўлган хизматчиларнинг кенг тарқалган лавозимлари ходимлари айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар 6-тартиб рақамида кўрсатилган «Олий маълумотли муҳандислар, мутахассислар ва инспекторлар»га ЯТСга кўра еттинчи разряд бўйича лавозим маоши тўлаш кўрсатилган.

Қолаверса, бирлашма бухгалтерияси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 16 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча турдаги бюджет муассасаларининг бошқа (бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи) ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тариф разрядларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи талабини ҳам бажармасдан келган.

Ушбу ҳолат юзасидан иш берувчига тегишли кўрсатма берилди. Кўрсатмага асосан М.Жиянбоевга 2019 йилдан 2022 йилгача бўлган фурсат учун жами 10 205 598 сўм ўртадаги нотўғри тўланган фарқ қайта ҳисоб-китоб қилиниб, ойлик маошига қўшиб берилди.

Халилулла ИСОҚЖОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича меҳнат техник инспектори

КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...

Яқинда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши Кармана туманида яшовчи Зулфия Қаҳҳоровадан шикоят хати тушди. Унда баён этилишича, аризақчининг турмуш ўртоғи Баҳодир Қаҳҳоров, дўстлари – Муроджон Зоиров, Ғайратбек Баратов ва Исломжон Ҳайдаров туманда фаолият юрайётган «Қумушбиби Гранд» МЧЖ раҳбари Валижон Ўриновга учрашиб, ушбу корхонага 171 миллион 950 минг сўм эвазига қўёш панеллари ўрнатиб беришга келишадилар. Сўнгра дадил ишга киришадилар. Қисқа фурсатда 17 минг 195 метр узунликдаги кабелни ер остига ётқизиш, ишни муддатидан олдин бажаришади. Аммо меҳнат ҳақини олишга келганда тавбаларига таянишади. Сабаби, МЧЖ раҳбари пулни 68 миллион сўмини тўлайди-ю, қолганини беришни хаёлига ҳам келтирмайди. Бу бедодликка чидай олмаган тўрт оғайни бор гапни қоғозга тушириб, туман ички ишлар бўлимига топширишади. Бироқ ушбу орган ҳузуридаги тергов бўлими мутасаддилари бу масала бўйича судга мурожаат қилиш лозимлигини тушунтиришади.

Бефойда югур-югурлардан силласи қуриган Баҳодир Қаҳҳоров турмуш ўртоғи Зулфия билан бирга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Алишер Раҳматовга учрашиб, можарони ипидан игнасиғача сўзлаб берди. Алишер Раҳматов эса фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига тақдимнома киритди. Суд ишни одилона кўриб чиқиб, низоли ҳолатни ижобий ҳал этиш лозим деган тўхтамга келди. Пировардида Баҳодир Қаҳҳоров, Муроджон Зоиров, Ғайратбек Баратов ва Исломжон Ҳайдаровларнинг ҳар бирига «Қумушбиби Гранд» МЧЖ ҳисобидан 31 миллион 657 минг 500 сўмдан – жами 126 миллион 630 минг сўм миқдоридида меҳнат ҳақи ундириб бериш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарди.

Шундай қилиб, касабаси уюшмаси вакилининг бевоқифа аралашуви билан адолат қарор топди, бировнинг ҳақини беришни унутган МЧЖ бошлиғи эса бармоғини тишлаб қолди...

Нормурод МУСОМОВ
«ISHONCH»

БОШЛИҚ
БАРМОҒИНИ
ТИШЛАБ
ҚОЛДИ

Қашқадарё вилояти

«Аёлнинг дardini аёл тushunadi. Унинг қалбига йўл топмоқчи бўлсангиз, меҳр беринг, муаммоларини енгиллатинг». Миришкор туманидаги «Балуж» маҳалла фуқаролар йиғинида хотин-қизлар фаоли бўлиб ишлаб келётган Гулчехра Носирова ўз фаолиятида ана шу таъмоилга амал қилади.



«Аёллар дафтари»ни varaқлаганда...



Фарғона вилояти

Тармоқ раисининг бир куни...

САФИМИЗ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши тасарруфидаги 211 та корхонада 12 минг 637 нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат қилади. Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳар қандай вазиятда елкадош бўлиш, мурожаатларига тез ва ижобий ечим топиш биринчи галдаги вазифаларимиз сирасидандир.

«МЕХР ФАРИШТАСИ»НИНГ ТАШРИФИ

Шу маҳаллада яшовчи Хуршида Хўжамуродованинг уч нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи бемор. Қолаверса, ишсизлик оилани чарчатган. У «Аёллар дафтари»га киритилди. Ҳомийлик маблағи ажратилиб, эри даволанди. Хуршида тикувчилик фабрикасига ишга жойлашди. Бундан ташқари, Ҳасан-Хусан фарзандларининг суннат тўйи ўтказиб берилди.

40 сотихдан ўн йил муддатга ер берилди. Ўтган йили экин қилиб, рўзгорига барака кирган аёллар айни пайтда кўкламги юмушлар билан банд. Жорий йилда «Аёллар дафтари»нинг тўртинчи босқичи учун рўйхатга олинган 70 нафар хотин-қизнинг 34 нафари ишсиз. Ҳозирга қадар уларнинг 12 нафари туман марказидаги «Само» тикув фабрикасига ишга жойлашди.

Ҳафиза Маманазарованинг турмуш ўртоғи вафот этган. Ўзи ҳам соғлом эмас. Бир нафар фарзанди билан ота уйига қайтиб келгач, у ҳам «Аёллар дафтари»да қайд этилди. Ҳомийлик кўмағида аёлнинг уй-жойи эпаккага келтирилди. Ўғлига суннат тўй қилинди. Айни пайтда уни даволатиш, лозим топилса, ногиронлигини расмийлаштириб, нафақа олиши учун ҳаракат давом этяпти.

Худудда янги иш ўринлари, хотин-қизларга қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳомийлигида «Гўзаллик салони» контейнери ўрнатилиб, бугун аҳоли хизматида.

Дилдора Хусенова ҳамда Меҳринисо Худойбердиеванинг ҳар иккиси чевар. Гулчехра опа улар билан суҳбатлашар экан, бу аёлларнинг уйда ҳаловат йўқлигини англади. Ғиди-ғиди нимадан келиб чиқади – ишсизликдан-да. Опа уларни мураббийлик қилишга, ўз хунарларини бошқаларга ҳам ўргатишга чақирди. Шу мақсадда банкдан имтиёзли кредит олинди. Ташландиқ бино таъмирланиб, тикув машиналари ўрнатилди. Ҳозир улар 20 нафар қишлоқ қизига касб-хунар ўргатаётир.

Опа тинмайди. Маҳалласидаги ҳар бир аёлни эътибордан четда қолдирмайди. «Балуж» маҳалласида 1214 нафар хотин-қиз бўлса, ҳар бирини яхши билади, оила-сидаги ҳолатни, муаммоларини ён дафтарига битиб қўяди. Уларнинг ташвишига ўз ташвишидек қарайди. Ечим йўлида чора-тадбирлар белгилайди. Беш-олти келиннинг ибратли қайнонаси Маҳкам Эрназарова, фахрий ўқитувчи Хосият Полвонова, кўп йиллар маҳалла фуқаролар йиғинида хотин-қизлар билан ишлаган Зебо Норова каби онахонлар унга бу жараёнда кўмақдош.

Гулчехра Носирова кўп йиллар мактабда раҳбарлик қилган. Педагогик фаолияти давомида мактаб рейтингини туман миқёсида юқори ўринларга кўтаришга эришган. Гулчехра опанинг шоғирдлари кўп. Эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатиш зарур бўлганда улар ҳам йўқ демайди, қараб турмайди.

Фидойи ва жонкуяр опа кўплаб эътирофларга лойиқ кўрилган. 2020 йилда «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан тақдирланди. 2022 йил якуналари бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши хотин-қизлар фаоли» кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли иккинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Қачонки, ҳар бир маҳаллада Гулчехра опадек жафокаш ва куюнчак фаоллар ишлар экан, ана шунда хонадонлар эшиги тақиллайверади. Эшикни очган аёл борки, унинг тимсолида меҳр фариштасини кўргандек бўлаверади.

«Навоий иссиқлик электр станцияси», «Навоий ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларида ҳамда соғлиқни сақлаш, халқ таълими йўналишидаги корхона ва ташкилотларда, шунингдек, агросаноат мажмуи тизимларида бўлиб ўтган муҳокамаларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Олимжон Бобомуродов раҳбарлигида бир гуруҳ мутасаддилар қонунчиликда ўз ифодасини топган муҳим янгиликлар ҳамда инсон омили билан боғлиқ масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини атрафлича билдиришмоқда.

Акmal АБДИЕВ «ISHONCH»

Навоий вилояти

Жамоатчилик назорати

Навоий вилоятида ишчи-ҳодимлар ва иш берувчилар ўртасида тузилган жамоа шартномаларини жиддий ўрганиш, мавжуд камчилик ва муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш масаласи тизим вакилларининг доимий диққат марказида турибди.



АДОЛАТНИ КАФОЛАТЛАЙДИГАН ҲУЖЖАТ ИЖРОСИ ҚАЙ ДАРАЖАДА БАЖАРИЛМОҚДА?


Муҳими, шартномаларда акс эттирилган барча бандларга амал қилиш, ишчи-хизматчиларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш тутиш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш бериш, вақтида дам олиш ҳамда даволанишларини таъминлаш каби долзарб масалалар қамраб олинган муҳокамаларда, конференция ҳамда умумий йиғилишларда ишчи-ҳодимларнинг ўзлари ҳам ҳар қачонгидан кўра фаоллик кўрсатишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, меҳнатга ҳақ тўлаш, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар механизми, ходимларни қайта тайёрлаш, уларни ишдан бўшатилган шартлари, меҳнат таътиллари давомийлиги, аёлларнинг, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат шариоитлари, экологик хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ташкил қилинган барча тадбирларда юзага қалқиб чиққан муаммоларни бартараф этиш асноси тизим мутасаддилари бошқаларга ҳар томонлама намуна бўлишмоқда.

Вилоятдаги барча корхона ва ташкилотларда, нодавлат, нотижорат корхоналарда жамоа шартномаси билан боғлиқ муҳокамалар давом эттирилмоқда.

Нормурод МУСОМОВ «ISHONCH»

Бугунги иш куним аъзоларнинг мурожаатини ўрганишдан бошланди. Фурқат туман йўллардан фойдаланиш корхонасида меҳнат ёрдамчиси бўлиб ишлаб келётган Баҳодиржон Қодиров иш берувчи уни қонунга зид равишда ишдан бўшатаётганидан норози бўлиб, мурожаат қилган эди. Узаро суҳбат асносида меҳнат қонунчилигига зид равишда иш тутилатгани аён бўлди. Дарҳол корхона раҳбари билан боғландим. Иш берувчига меҳнат қонунчилиги, ходимни қонунга зид ҳолда ишдан бўшатаётганини асослаб бердим. Иш берувчи масала моҳиятини тушуниб етди ва уни ижобий ҳал қилишини айтди. Кўп ўтмай, Баҳодиржон Қодиров телефон қилиб, иш берувчи ишдан бўшаш тўғрисидаги буйруқни бекор қилгани ва иш жойига қайтганини билдирди. Иш тез ва ижобий ҳал бўлгани, ходим яна ўз ишини давом эттираётганидан кўнглим тоғдак кўтарилди.



Шу кун қурилиш ташкилотларида меҳнат қилаётган қурувчилар ўртасида касаба уюшмага аъзоликнинг афзалликларини тарғиб қилиш ва уларни касаба уюшма ҳимоясига олишга йўналтирилган ишларни режалаштирган эдик. Бунинг жўяли сабаблари бор, албатта. Очигини айтганда, қурилиш ташкилотларининг аксариятида касаба уюшма тузилмаган. Табиийки, у ерда меҳнат қилаётган қурувчиларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам кафолатланмаган.

соҳа-худудий назорат инспекцияси инспектори Мансуржон Набиев саломатлигини мустаҳкамлаб келиш учун «Чимён» сўхатгоҳига йўланма сўраб келганини айтди. Мансур ака фидойи ишчилардан. 20 йилдан буён ҳамкасбларига ўрнатилган бўлиб келмоқда. Қолаверса, бу йил пенсия ёшига тўлади. Тезда керакли ҳужжатларни тайёрлаб, Мансур акага «Чимён» сўхатгоҳига йўланма ажратилди.

Иродахон Қазимова 13 йилдан бери ҳисобчи бўлиб ишлаб келади. У ҳам шу кун саломатлигини тиклаш ниятида эканлигини билдирди. Унинг мурожаати бўйича «Оқтош» санаторийсига йўланма берилди.

Режага кўра, тушдан сўнг Фарғона шаҳридаги «Янги Ўзбекистон» массивида бўлдиқ. Бу ерда бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган қурилиш ташкилотларида касаба уюшма кўмитасини тузиш ва қурувчи усталар ўртасида касаба уюшмага аъзоликнинг афзалликларини тушунтирдик. Тарғибот натижасида «Қамолхонов Жаҳон» МЧЖ, «Марғилон бинокор таъмир қурилиш» МЧЖ, «Хўжаликлараро ихтисослашган кўча механизациялашган калона» МЧЖ, «Фарғона пласт плюс сервис» МЧЖда касаба уюшмалари тузилиб, 540 нафар қурувчи уста касаба уюшма ҳимоясига олинди.

Йўлга чиқишга тараддулланган пайтимизда эшик тақиллаб, сафимиздаги аъзолардан бири кириб келди. Салом-алиқдан сўнг вилоят қурилиш


Уста-қурувчилар касаба уюшмага аъзо бўлганликларидан мамнун эканликларини яшириб ўтиришмади. Улар ҳам вақтида дам олишга, муносиб шариоитда меҳнат қилишга, сўхатгоҳларда дам олишга ҳақли-да, ахир!



Кеч кирганда биз ҳам қурувчилар билан хайрлашиб, ортга қайтдик.

Зоҳиджон ҚОДИРОВ, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси

Ал-Ақсо масжидида тўқнашув



Қуддусдаги Ал-Ақсо масжидида фаластинликлар ва Исроил ҳуқуқ-тартибот кучлари ўртасида тўқнашувлар юз берди, дея хабар бермоқда dw.com. Тартибсизликларга сабаб полициянинг масжиддан пиротехника воситалари, таёқ ва тошлар олиб келган бир гуруҳ ёшларни ҳайдаб чиқариш операцияси бўлган. ҲАМАС ҳаракати Ғарбий соҳилдаги ёшларни Ал-Ақсо масжиди ҳимояси учун ҳаракат қилишга чақирган. Ғазо секторидagi ҳаракат Исроил жанубига ракета ҳужуми уюштирди, Исроил бунга ҳаво ҳужуми билан жавоб қайтарди. Исроил полицияси масжид ичида пиротехника портлагани ва у ерга тўпланганлар томонидан отилган тошлар акс этган видео тасвирларни тарқатган. Кейинроқ 350 нафардан ортиқ киши ҳибсга олганини маълум қилган.

Зеленский Польшада

Польша президентининг вакили Маркин Пшидач TVN24 телеканалига берган интервьюсида маълум қилишича, Украина президенти Владимир Зеленский Польшага ташриф буюрган. Бу унинг Украинадаги уруш бошланганидан бери учинчи хорижга сафаридир. Бир муддат аввал Польша Украинага ваъда қилинган МиГ-29 қурувчи самолётларининг биринчи партиясини топширган эди. Аммо айнан нечта самолёт юборилгани қайд этилмаган.



Оламда

Эрдоғон БМТ учун ислоҳ зарурлигини таъкидламоқда

«Инсоният тақдири атиги бешта давлат ҳал қиладиган дунё тартиби ночор ҳолда. БМТ Хавфсизлик кенгашининг кенг қамровли ислоҳотини зудлик билан амалга оширмоқ зарур».

«Анадолу» агентлигининг хабар беришича, Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини яна бир бор таъкидлаган.

Шунингдек, Туркия етакчиси Украина инқирозини ҳал қилиш истиқболларига тўхталар экан, Россия ва Украина ўртасида адолатли тинчлик ўрнатиш имкони борлигига ишонч билдирган.



